



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 14 » декабрь

№ 777

Toshkent sh.

**Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга
оид давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариغا
ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини
ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 мартағи ПФ-5975-сон Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 26 мартағи ПК-4653-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айrim қарорлариغا ўзгартиришлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “14” декабрдаги 777-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорида:

а) 2-илованинг 41-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“41. Инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси обьект бўйича ажратилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасига қатъий амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади”;

б) 6-илованинг 9-банди “а” кичик бандининг учинчи хатбошидаги “Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги” сўzlари “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган обьектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди “а” кичик бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидағи “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 9 августдаги 189-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо инвестиция уйлари орқали олиб чиқилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Давлат божхона қўмитаси хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларни чет элдаги корхона орқали экспорт қилиниши ҳисобини юритиш мақсадида ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо

вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат статистика қўмитасига тегишли статистик маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган Лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиши ва келишиш, шунингдек техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ҳар йили 31 майдан кечикмасдан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда келгуси йилда донорлар томонидан молиялаштириш назарда тутилаётган техник кўмаклашишнинг устувор лойиҳалари рўйхати тайёрланади ҳамда Молия вазирлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишган ҳолда қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.”;

6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“6. Ҳар йили 25 январдан кечикмасдан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жорий йилда амалга ошириш учун донорлар билан олдиндан ишлаб чиқиладиган лойиҳалар рўйхати тайёрланади ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 10 февралгача тасдиқланади”;

7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“7. Янги лойиҳа таклифини ушбу Низомнинг 5 ва 6-бандларида кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритиш учун лойиҳа ташаббускори бўлган вазирлик ёки идора ёхуд техник кўмак олувчи (ижро этувчи агентлик) лойиҳа таклифини (ўзбек/рус ва инглиз тилларида) ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шакл бўйича Лойиҳа таклифи паспортини илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритади.

Донорнинг ўзи лойиҳа ташаббускори бўлган тақдирда, у Ўзбекистон Республикаси худудида донорнинг/вакилининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган вазирлик ёки идора/донор орқали (бундай вазирлик ёки идора бўлмаган тақдирда - бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига) лойиҳа таклифини ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шакл бўйича Лойиҳа таклифи паспортини илова қилган ҳолда, кейинчалик кўриб чиқиш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига юбориш учун, тақдим этади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги лойиха таклифи олингандан кейин ўн кун муддатда, таҳлил ўтказиш асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига лойиха таклифини кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси худудида донор фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул вазирлик/донорнинг вакили ҳисобланган тақдирда, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги лойиха таклифи билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига лойиха таклифини кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Зарур бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этилган лойиха таклифларини қўриб чиқиш учун лойиҳани амалга оширишининг мўлжалланаётган соҳасига алоқадор бўлган бошқа вазирликлар ва идораларни жалб қилишга ҳақлидир”;

19-банддаги “Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларининг 3-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Касаначиликни ташкил этишни тақомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорида:

а) 1-иловада:

10-банднинг олтинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

2-илованинг 7-9-позициялари “Ахборот қаерга тақдим этилади” устуnidаги ҳамда 10-позицияси “Ахборот берувчи орган (субъект)” устуnidаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 3-банди олтинчи хатбошидаги “иқтисодиёт” сўзи “иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган заарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 48-бандидаги “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги” сўзлари “Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган Осиё тараққиёт банки иштирокида “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомда:

3-банднинг биринчи-учинчи хатбошиларидағи, 11, 12, 14-бандларидағи, 15-банднинг учинчи хатбошидағи, 16-банднинг иккинчи хатбошидағи, 17-банднинг “б” кичик бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“13. Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой обьектларини қуришнинг сифатини назорат қилиш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этади.”;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига қурилаётган уй-жой мавзеларида электр таъминоти ва газ таъминоти обьектлари қуриш тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда тақдим этадилар.”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларининг давлат балансини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-банди иккинчи хатбошидағи “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 295-сон қарори билан тасдиқланган Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди бешинчи хатбошидағи “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги танлови тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига” сўzlари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 марта даги 36-сон қарори билан тасдиқланган Магистратура тўғрисидаги низомнинг 1-банди учинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига” сўzlари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 2 июлдаги 177-сон қарорида:

а) 8-банддаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) рус тилидаги матнда берилган 5-илованинг 5-банди учинчи хатбошидаги, 7-бандидаги “экономики” сўзи “экономического развития и сокращения бедности” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) рус тилидаги матнда берилган 6-илованинг 5-банди биринчи хатбошидаги ва 6-банддаги “экономики” сўzlари “экономического развития и сокращения бедности” сўzlари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 августдаги 241-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш Давлат комиссияси тўғрисидаги низомда:

8-бандда:

учинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

10-банднинг 1-кичик бандидаги “Иқтисодиёт вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Шифокорларни мунтазам аттестациядан ўтказиш ва олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилаш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 21 январдаги 14-сон қарори 6-банднинг иккинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

7-банднинг учинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

13-банднинг учинчи хатбоши қуийидаги таҳрирда баён қилинсин:

“давлат қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаларининг;”;

54-банднинг бешинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Коммунхизмат” агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 2 июндаги 340-сон қарорида:

а) 1-илованинг 10-банди “в” кичик бандининг ўн еттинчи хатбошидаги ва “г” кичик банди саккизинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 9-банди иккинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа

бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби” сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 июлдаги 479-сон қарорининг 8-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 июлдаги 530-сон қарорининг 3-бандидаги “Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси” сўзлари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида Дерматовенерология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 31 июлдаги 563-сон қарорининг 8-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда – Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш учун чет давлатларнинг, халқаро молиявий институтларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини ҳамда бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб этиш бўйича зарур чоралар кўрсинг.”.

23. Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 28 октябрдаги 877-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидағи “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 8, 9, 14, 21, 25-бандларидағи, 28-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидағи, 33-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўtkазиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сон қарорида:

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги, 3-банднинг биринчи хатбошидаги, 6-банднинг иккинчи хатбошидаги, 7-банддаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг I, III-VI ва IX босқичлари “Чора-тадбирлар” ва “Масъул ижрочилар” устунларидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 4-илованинг 25 ва 28-бандларидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-хуқуқий ҳужжатлар матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-таҳлилий материаллар электрон шаклда юбориладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатида:

1-бўлимнинг 10-бандидаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

2-бўлимнинг 17-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 декабрдаги 1036-сон қарори билан тасдиқланган Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашда фаол иштирок этаётган иш берувчиларнинг рейтингини аниқлаш, шунингдек, уларга ижтимоий рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг “2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2018 йил 5 январдаги 9-сон қарори 7-бандининг биринчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг “Адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 15 февралдаги 124-сон қарорининг 5-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда” сўzlари чиқариб ташлансин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон-Тожикистон давлат чегараси орқали айrim ўтказиш пунктларининг фаолиятини қайта тиклаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 21 февралдаги 133-сон қарорининг 7-бандидаги “Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги” сўzlари “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги 315-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 61-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиласидаги электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандидаги “Иқтисодиёт вазирлиги ва “Ўзбекэнерго” АЖ” сўzlари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Энергетика вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июндаги 422-сон қарори билан тасдиқланган Суғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги обьектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 11 июндаги 436-сон қарорининг 3-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг “Ветеринария дори воситалари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 23 июлдаги 564-сон қарорининг 4-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий вилоятида ўрмон хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 24 июлдаги 568-сон қарорининг 10-банди биринчи хатбошидаги “Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги” сўзлари “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги фаолият учун давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 августдаги 668-сон қарорида:

а) 3-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда танлов ғолиблари рейтинги ҳар йили 1 майгача оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ва уларга тегишли сертификатлар ҳамда пул мукофотлари топширилишини таъминласин”;

б) илованинг 8-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Комиссия таркибиغا, одатда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси вакиллари киритилади”.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 671-сон қарори билан тасдиқланган Истироҳат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш методологияси тўғрисидаги низомда:

а) 24-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“24. Таркибиغا Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Далат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг худудий органлари (ёки ваколатлар улар томонидан туман (шаҳар) бўғинларига чегараланади), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари кирадиган танлов комиссияси камида икки иштирокчидан ариза тушганда танлов ўтказади.”

б) 1-илованинг иккинчи позицияси қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“лавозими бўйича – туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи”.

39. Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 октябрдаги 803-сон қарорида:

а) 5-банддаги “Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги” сўzlари “Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 20-банди иккинчи хатбошидаги ва 21-банддаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарорида:

а) 5-банднинг “а” кичик бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

“Масъул ижрочилар” устуnidаги 1.1-1.2, 1.4-1.5, 1.a-1.b, 2.b-2.c, 3.c, 4.4, 7.1-8.4, 8.9-8.10, 9.1-9.3, 9.5-9.b, 10.1, 10.4, 11.1-11.2, 12.b-13.2, 15.9, 17.1, 17.4, 17.13, 17.18 вазифаларида “Иқтисодиёт вазирлиги” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

“Масъул ижрочилар” устуnidаги 16.5 вазифаларида “Бош прокуратура” сўzlари “Коррупция карши курашиш агентлиги, Бош прокуратура” сўzlари билан алмаштирилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 10-банди 1-кичик банди иккинчи, учинчи, ўн саккизинчи, йигирманчи хатбошиларидағи, 9-кичик банди тўққизинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи хатбошиларидағи, 15-кичик банди саккизинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда ургулук пахта хом ашёси этиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банддаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) илованинг “Масъуллар” устуnidаги 1 ва 2-босқичларида “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида замонавий заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 январдаги 16-сон қарорининг 5-бандидаги “Иқтисодиёт” сўзи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарорида:

а) 4-банддаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 33-банди учинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби” сўzlари билан алмаштирилсин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2022 йилларда Андижон вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 24 июлдаги 622-сон қарорида:

а) 14-банднинг тўртинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт ва саноат вазири Б. Хўжаев” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Кўчқоров” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 6-илованинг 4-банди қуйидаги таҳxирда баён қилинсин:

“4. А.Ж. Ортиков – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринbosари”.

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 сентябрдаги 765-сон қарори билан тасдиқланган Суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун талабгорларни ўқитиши ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловани номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ**

ГУВОҲНОМА”;

в) 3-иловани номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ**

СЕРТИФИКАТ”.

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим худудларда ер ости сувларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 октябрдаги 855-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) рус тилидаги матнда берилган илованинг 3.1-позициясида “Мероприятия” устуnidаги “Минэкономпром (Каримов У.)” сўzlари “Минэкономразвития (Абдиназаров Б.)” сўzlари билан ҳамда “ответственные за контроль” устуnidаги “Минэкономпром (Ходжаев Б.)” сўzlари “Минэкономразвития (Ортиков А.)” сўzlари билан алмаштирилсин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармалари рўйхатининг 12-бандидаги “Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” сўzlари “Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” сўzlари билан алмаштирилсин.

50. Вазирлар Маҳкамасининг “Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳукуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида” 2019 йил 2 декабрдаги 963-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошидаги “2020 йил 1 февралга” сўzlари “2021 йил 1 марта” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошидаги ва 7-банднинг тўртинчи хатбошидаги “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси” сўzlари “Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастри агентлиги” сўzlари билан, шунингдек, 6-банднинг иккинчи хатбошидаги “Урбанизация агентлиги” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 10-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“10. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринbosари О.Б. Рустамовга – хуқуқий экспериментни давом эттириш жараёнида масъул ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек хуқуқий экспериментнинг тизимли мониторинги олиб борилиши ва таҳлил қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директори Х.С. Тўрахўжаевга – электрон онлайн-аукционга қўйилиши мўлжалланган бўш турган ер участкалари бўйича хужжатлар сифатли тайёрланиши ва ер участкасига бўлган мулк хуқуки ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказилиши;

Сирдарё вилояти ҳокими F.F. Мирзаевга – хуқуқий экспериментни амалга ошириш доирасида худудий ташкилотлар фаолияти самарали ташкил этилиши ва сафарбар қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклансин.”;

г) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ва Сирдарё вилояти ҳокими F.F. Мирзаев зиммасига юклансин”;

д) 1-илованинг:

22-бандидаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўzlари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўzlари билан алмаштирилсин;

31-бандидаги “2020 йил 1 февралга” сўzlари “2021 йил 1 марта” сўzlари билан алмаштирилсин;

е) 2-илованинг:

20-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“20. Ер участкасини танлаш бўйича материаллар хусусийлаштирилаётган ер участкасининг бошлангич нархи ва унинг инвестиция мажбуриятлари аниқланганидан сўнг автоматик равишда келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллини қисқартириш вазирлигига (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) юборилади ва бир иш куни мобайнида:

Жамғарма ер участкаларини танлаш материалларининг рўйхатини электрон ракамли имзо билан тасдиқлайди;

Вазирлик янги шаҳарлар, ишлаб чиқариш зоналари ва уй-жой массивлари қурилиши учун ажратилган ер участкаларини аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари ва шаҳарсозлик хужжатларига мувофиқлиги бўйича келишади”;

25-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“25. Аукционларни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва лот ҳақидаги ахборот улар бошланишидан олдин 15 календарь кундан кечикмай операторнинг веб-порталида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг веб-сайтида жойлаштирилади.

Аукционларда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон буюртманомани тақдим этиш ва закалат киритиш орқали иштирок этилади.”;

61-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси” сўзлари “Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги” сўзлари билан, шунингдек, олтинчи хатбошидаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўзлари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

76-бандидаги “2020 йил 1 февралга” сўзлари “2021 йил 1 марта” сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг Ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича методикага 1-илова 17-позициясининг “Маълумотларни киритиш учун масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар” устунидаги “Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 16 мартағи 156-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда” сўзлари чиқариб талансин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг “Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 18 мартағи 170-сон қарорида:

а) 1-илованинг “Масъул ижрочилар” устунидаги 4 ва 16-позициялардаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўзлари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

5-банддаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўзлари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловада:

“Тадбирлар” устунининг 1-позициясидаги ҳамда “Субъектлар” устунининг 2 ва 3-позицияларидаги “Иқтисодиёт ва саноат” сўзлари “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш” сўзлари билан билан алмаштирилсин.



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “14” декабрдаги 777-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айrim қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятининг Тошлоқ шаҳарчасида “ДЭУ Текстиль Компани” тўқимачилик комбинатини ишга тушириш тўғрисида” 1997 йил 18 июнданги 311-сон қарорининг 2-банди.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1998 йил 9 сентябрдаги 387-сон қарорининг 3-банди.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Чиноз тўқимачи ЛТД” Ўзбекистон – Япония – Туркия қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 1999 йил 29 январдаги 44-сон қарорининг 7-банди.
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ойим текстиль” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2001 йил 7 мартағи 114-сон қарорининг 8-банди.
5. Вазирлар Маҳкамасининг “Бестекс” қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2001 йил 6 сентябрдаги 363-сон қарорининг 3-банди.
6. Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сон қарорининг 7-банди.
7. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ватанимизда ишлаб чиқарилган ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 25 мартағи 155-сон қарори.
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарори билан тасдиқланган Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, ҳаракати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки ҳисобга олишни ташкил этиш тартиби тўғрисида низомнинг 48-банди.
9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 31 майдаги 450-сон қарори.
10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2020 йил 20 январдаги 36-сон қарорига илованинг 5-банди.